

Янгиланаётган Ўзбекистон: илм - фан инновациясида  
аёллар ва ёшлар мавзусида халқаро  
илмий-амалий online конференцияси Ахборот хати

**Ташкилотчилар**



Конференция мавзуси

**Янгиланаётган Ўзбекистон: илм - фан инновациясида  
аёллар ва ёшлар мавзусида халқаро илмий-амалий online  
конференцияси**

Ўтказиладиган сана ва  
жой

**2020 йил 1 май**

**tadqiqot.uz веб портали**

Илмий тезисларни  
қабул қилиш муддати

**2020 йил 20 апрелгача**

## АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети tadqiqot.uz Халқаро илмий журналлар портали ҳамкорлигида 2020 йилнинг 1 май куни “Янгиланаётган Ўзбекистон: илм - фан инновациясида аёллар ва ёшлар” мавзусида халқаро илмий-амалий масофавий конференцияни ўтказиш режалаштирилган. Конференцияга илм-фан тараққиёти, фан-техника ва инновациялар самарадорлигини таъминлашга олима аёлларнинг қўшаётган хиссаси, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши давлат сиёсати устувор йўналиши эканлиги, аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари, замонавий таълим тизимида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги, инновациялар маънавий-маърифий ислохотларнинг муҳим омили, аёл маърифатининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти, ёшлар маънавиятини юксалтиришда 5 муҳим ижобий ташаббус муҳим омил эканлиги борасида **тарих, ҳуқуқ, ижтимоий-сиёсий фанлар** бўйича тезис ҳамда мақолалар юборилиши мумкин.

Анжуманда илмий тезислар тўпламини чоп этиш кўзда тутилган. Шу муносабат билан **2020 йил 20 апрелгача** бўлган муддатда тезисларни ўзбек, рус ёки инглиз тилларида анжуман таҳририятига электрон кўринишда юборишингизни сўраймиз.

### **Конференциянинг асосий мавзулари:**

- Тараққиёт мақсадларидаги фан-техника ва инновациялар самарадорлигини таъминлашда олима аёлларнинг иштироки
- “Янгиланаётган Ўзбекистон”да амалга оширилаётган инновациялар маънавий-маърифий ислохотларнинг муҳим омили сифатида
- Таълим тизимини модернизациялашда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги
- Глобаллашув шароитида аёл маърифати ёшлар маънавиятини юксалтириш, илм-фан тараққиёти ва инновацион ривожланишнинг муҳим шарти

Конференция таҳририят кенгаши томонидан юқоридаги мавзуларга мос ва талаб даражасида расмийлаштирилган тезислар кўриб чиқилади. Конференция материаллари тўпламида нашр этилади.

Тезис ёки мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин.

Юборилган мақолаларнинг барчаси “Антиплагиат” тизимида текширилади.

Ушбу конференция доирасида уч йўналиш бўйича тезис, мақола, Скопус маълумотлар базасига кирган журналларда мақолалар эълон қилиш учун қабул қилинади.

- 1) **Тезислар** online конференция тўпламида эълон қилинади ,
- 2) **Мақолалар** Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган илмий журналларда эълон қилиниши назарда тутилган
- 3) Муаллифга шартнома асосида **Скопус** маълумотлар базасига кирган журналларда мақола эълон қилиниши юзасидан хизмат кўрсатилиши мумкин.

### **Тақдим этиладиган тезисларни расмийлаштиришга қўйилган талаблар**

#### **Илмий тезис мавзуси (Title)**

Тезис мавзуси имкон қадар қисқа ва лўнда кўринишда шакллантирилган бўлиб, тезис тадқиқот йўналишини аниқ ифода этиши лозим. У ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида тақдим этилиши керак.

#### **Илмий тезис муаллифи тўғрисида маълумот (Author information)**

Ушбу қисмда муаллифнинг исми-шарифи (отасининг исми билан), иш жойи ва лавозими, илмий даражаси ва унвони, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари киритилади.

#### **Тезиснинг аннотацияси (Abstract)**

Тезисларнинг қисқача аннотацияси 8-10 қатордан ошмаган ҳолда мақола ёзилган тилда берилади. Унда тадқиқот муаммоси, унинг долзарблиги, тадқиқот муаммосини очиб бериш учун қўлланилган методология, тадқиқот натижалари, мақоланинг тўла мазмунидан келиб чиққан ҳолда муаллифнинг илмий ва амалий ҳиссасининг қисқача баёни ёритилади.

#### **Таянч иборалар (Key words)**

Таянч сўзлар тезис мазмуни ва мақсадини энг қисқа мазмунда очиб берувчи калит сўзлар ҳисобланади. Scholar.google.com ёки google.com қидирув тизимида тезис осон ва энг биринчи саҳифаларда топилиши учун таянч сўзларнинг ҳар бири асосий матн таркибида ўртача 6-8 марта такрорланиши тавсия этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)**

Ушбу қисмда тадқиқотда фойдаланилган барча адабиётларнинг рўйхати [1], [2] ёки [3] кетма-кетлигида:

- муаллифлар исми-шарифи, китоб номи, нашр манзили нашриёт номи, йили, бетлари;
- муаллифлар исми-шарифи, мақола номи, журнал номи, нашри, йили, сони, бетлари.

#### **Тезис матни**

Матан “Times New Roman” шрифтида, 14 кегелда бўлиб, қаторлар оралиқлари масофаси 1 интервалда бўлиши лозим. Мақола матни саҳифасининг

Янгиланаётган Ўзбекистон: илм - фан инновациясида  
аёллар ва ёшлар мавзусида халқаро  
илмий-амалий online конференцияси Ахборот хати

барча (ўнг, чап, юқори ва қуйи) томонидан 2 сантиметрдан иборат масофа  
қолдирилади. Тезиснинг максимал ҳажми 5 бетдан ошмаслиги, минимал ҳажми  
эса 3 бетдан кам бўлмаслиги ҳамда фойдаланилган адабиётлар сони камида 5-6  
манбадан иборат бўлиши лозим.

1.	Тезислар тўпламидаги ҳар бир саҳифа учун	15 минг сўм	10 апрелгача
		25 минг сўм	11 апрелдан
2.	ОАК журналида танланган мақолалар	250 минг сўм	
3.	Scopus базасидаги журналларда мақола эълон қилиш	Муаллиф мурожаати асосида шартнома асосида	
4.	Ҳамкор ОТМлар учун Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	10 минг сўм	

Тезис ва мақолалар +998998567118 телеграмм манзили орқали қабул қилинади.  
Шунингдек, мақолалар <https://tadqiqot.uz/publish/> тугмаси орқали жўнатилиши  
мумкин

Қуйидаги ОАК журналида танланган мақолалар эълон қилинади  
Ўтмишга назар журнали талаблари (+998998047684)  
<https://tadqiqot.uz/jurnallar/hist/>

Ҳуқуқик тадқиқотлар журнали (+998909928843 )  
<https://tadqiqot.uz/huquqiy-tadqiqotlar-elektron-jurnali/>

Ижтимоий тадқиқотлар журнали (+998946004621)  
<https://tadqiqot.uz/jurnallar/soci/>

Муаллифга шартнома асосида скопус маълумотлар базасига кирган журналларда  
мақола эълон қилиниши юзасидан хизмат кўрсатилиши мумкин Мурожаат учун  
+998944040000